

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ 62-5230000-2.02  
2015 йил “7” оқи

Ўзбекистон Республикаси Олий  
ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлигининг 2015 йил “2”  
02 даги “32”-сонли  
бўйргу билан тасдикланди

## “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” фанининг ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110000	- Педагогика
Таълим йўналиши:	5111000	- Караб таълими (5230100-Иқтисодиёт)
Билим соҳаси:	200000	- Ижтимоний соҳа, иқтисод ва хукук
Таълим соҳаси:	230000	- Иқтисод
Таълим йўналиши:	5230100	- Иқтисодиёт (микроинвестиция)
	5230100	- Иқтисодиёт (макроинвестиция)
	5230100	- Иқтисодиёт (иқтисодий назария)
	5230100	- Иқтисодиёт (инфраструктура)
	5230100	- Иқтисодиёт (реал сектор)
	5230100	- Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа)
	5230100	- Иқтисодиёт (хизматлар соҳаси)
	5230200	- Менежмент
	5230200	- Менежмент (туризм)
	5230200	- Менежмент (хизматлар соҳаси)
	5230200	- Менежмент (кинич бизнес ва тадбиркорлик)
	5230200	- Менежмент (реал сектор)
	5230300	- Киник бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш
	5230300	- Киник бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (хизматлар соҳаси)
	5230300	- Киник бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (реал сектор)
	5230400	- Маркетинг
	5230400	- Маркетинг (товарлар ва хизматлар)
	5230400	- Маркетинг (логистика)
	5230400	- Маркетинг (ташчи иқтисодий фаолият)
	5230400	- Маркетинг (туризм)
	5230500	- Бошхона ишлари
	5230500	- Бошхона назорати(бошхона назорати)
	5231400	- Статистика
	5231400	- Статистика (иқтисодиёт)
	5231600	- Мехнат иқтисодиёти ва социологияси
	5231700	- Кадрлар менежменти
	5231800	- Ижтимоний соҳа ва инсон ресурслари менежменти
Билим соҳаси:	300000	- Ишлаб чиқариши-техник соҳа
Таълим соҳаси:	330000	- Компьютер технологиялари ва информатика
Таълим йўналиши:	5330200	-Информатика ва ахборот технологиялари (иқтисодиёт)
Билим соҳаси:	600000	-Хизматлар соҳаси
Таълим соҳаси:	610000	-Хизмат кўрсатиш соҳаси
Таълим йўналиши:	5610100	-Хизматлар соҳаси (туризмни ташкил килиш ва бошвариш)

Тошкент – 2015

Фаннинг ўкув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2015 йил “7 01” даги “1”-сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг ўкув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

### Тузувчилар:

- Ш.Ш.Шодмонов - (ТДИУ)“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор  
А.В.Вахабов - (ЎзМУ)“Макроиктисодиёт” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Т.С.Расулов - (ТДИУ) “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Т.Т.Жўраев - ТМИ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Э.Ш.Шодмонов - ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири иқтисод фанлари доктори, доцент  
Р.А.Юсупов - (ТДИУ)“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди  
Б.Д.Хажиев - ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент

### Тақризчилар:

- О.Х.Хамроев - (ЎзМАА)Иқтисод фанлари доктори, профессор;  
Б.Б.Адилов - (ТДИУ)“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси иқтисод фанлари номзоди;  
Ш.Р.Ражаббаев - ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Фаннинг ўкув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “28”-оберудаги “1”-сонли баённома).

## **Кириш**

Хар томонлама камол топган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаб етиштиришда, унинг илмий дунёкарашини шакллантиришда муҳим рол ўйновчи фан иқтисодиёт назарияси фанининг ушбу дастури жамиятнинг иқтисодий негизи, унинг таркибий қисмлари, умумиқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва уларнинг амал қилиш қонуниятлари, бозор иқтисодиётининг таркиб топиш хусусиятлари, ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, иқтисодий ўсиш ва унга таъсир этувчи омиллар, жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий тенденциялари каби масалаларни қамраб олган. Хусусан, мазкур фаннинг аҳамияти кейинги йилларда рўй берадиган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чораларини излаб топиш ва изчил амалга ошириш ҳамда бу борада эришилаётган ютуклар орқали ҳам яккол намоён бўлади.

«Иқтисодиёт назарияси» фани талабаларни жамиядта рўй берадиган иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнларининг моҳиятини тушунишда зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради. Шунингдек, бу фан жамиятнинг ҳар бир аъзосини гоявий жиҳатдан йўналтириш, маънавий дунёкарашини кенгайтириш, иқтисодий маданиятини оширишга аҳамиятли таъсир кўрсатади.

## **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий билимларнинг назарий асосларини, иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Фаннинг вазифалари – талабаларни назарий билимлар, иқтисодий мушоҳада қилиш усуслари билан қуроллантириш; иқтисодий ходиса ва жараёнлар мазмунини мантиқий мушоҳада қилиш учун зарур бўлган услубий ёндашувларни эгаллашига кўмаклашиш; улар онгига миллий истиқлол гоясини ва миллий мағкурунинг асосий қоидаларини сингдириш; иқтисодиётни модернизациялаш, эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш асосида ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётини вужудга келтиришнинг долзарб муаммоларини очиб бериш; иқтисодиёт ва иқтисодий муносабатлар тўғрисида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.

## **Фан бўйича талабаларнинг билим, кўнишка ва малакаларига кўйиладиган талаблар**

«Иқтисодиёт назарияси» ўкув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

- иқтисодиёт назарияси асосларини; милий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши конуниятларини; макроиктисодий даражадаги вазиятларни; иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш хусусиятларини **билиши;**

- талаба иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усуларини кўллаш; иқтисодий қонунларни, илмий тушунчаларни (категорияларни), иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш **кўнишкарига эга бўлиши;**

- талаба иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш; иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотлар тўплаш ва улардан фойдаланиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

## **Фаннинг ўкув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

«Иқтисодиёт назарияси» фани гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар туркумига кириб, у бакалавриатнинг барча таълим йўналишларида ўқитилади. Мазкур фан бошқа иқтисодий фанларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожида аниқ йўналишдаги иқтисодий фанлар (молия-кредит, банк иши, солиқ ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, сугурта ва божхона иши ва ҳ.к.)дан ҳам озуқа олади. У тадқиқот усуллари бўйича бошқа ижтимоий (фалсафа, тарих, хукуқшунослик, социология, сиёsatшунослик) фанлар билан ҳам мустаҳкам боғлиқлариди.

## **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

«Иқтисодиёт назарияси» фани талабаларда илмий дунёкараш ва иқтисодий тафаккурни, жамиятнинг иқтисодий асосини тушуниш, объектив иқтисодий конун ва жараёнларга онгли муносабатда бўлиш кўнишкасини шакллантиради. Барча амалий иқтисодий фанларнинг назарий-услубий асослари тўғрисида билим ҳосил қиласди. Шунга кўра, фаннинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришдаги ўрни муҳим ҳисобланади.

## **Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбик қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўкув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, кейс-технологияларидан

фойдаланилади. Маъруза ва семинар машгулотларида ўқитишнинг интерактив усуллари (визуал, муаммоли, муаллифлик маърузалари, икки томонлама таҳлил, Инсерт, кластер, «Венна», синквейн)дан фойдаланилади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

### “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предмети ва билиш усуллари

Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг қамров жиҳатидан турлари. Иқтисодий фаолиятнинг мазмунни. Такрор ишлаб чиқариш фазалари: ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлиш, истеъмол. Эҳтиёжларнинг мазмунни ва уларнинг туркумланиши. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши конуни. Иқтисодий ресурсларнинг мазмунни ва туркумланиши. Иқтисодий ресурслар ва эҳтиёжларнинг қондирилиш дараҷаси ўртасидаги боғлиқлик. Иқтисодиёт олдидаги муаммолар.

Иқтисодиётга оид билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Қадимги Шарқ ва Farb халқларидаги иқтисодий ғоялар. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланишидаги асосий оқимлар: меркантилизм, физиократлар, инглиз классик иқтисодий мактаби, марксизм ва маржинализм. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясидаги асосий оқимлар.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети тўғрисида турлича ёндашувлар. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар. Моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол килиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар.

Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифалари. Иқтисодиёт назариясининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодиёт назарияси – барча иқтисодий фанларнинг услубий пойдевори ва давлат иқтисодий сиёсатининг илмий асоси эканлиги. Ҳозирги замон иқтисодий тафаккурининг шаклланишида, ижтимоий-иктисодий ривожланиш муаммоларини таҳтил қилиш ва билишда иқтисодиёт назарияси фанининг роли. Иқтисодиёт назарияси фанининг талаба-ёшлар онгида илмий дунёкарашни шакллантиришда ва миллый истиқлол ғоясини сингдиришдаги аҳамияти.

Иқтисодий конунлар ва категориялар. Иқтисодий конунларнинг туркумланиши.

Иқтисодий конунлар ва жараёнларни илмий билишнинг диалектик қоидалари. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш усуллари: илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлилвасинтез, мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги, икки томонлама ёндашув, эмпирик усул ва фаразлардан фойдаланиш. Микро ва макроиктисодий таҳлил. Иқтисодий таҳлилда математик, статистик ва график усуллардан фойдаланиш. Позитив ва норматив усуллар. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовасарлари ва маърузаларида иқтисодиёт назарияси фанининг бойитилиши ва уларни ўрганишнинг илмий-услубий аҳамияти.

## **Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари**

Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг туркумланишига турлича ёндашувлар. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирининг ўрнини босиши.

Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни ва унинг иқтисодий асослари. Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томони. Киска ва узок даврдаги ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўзаро боғлиқлиги. Товар ва хизматлар нафлилиги ва қийматининг яратилишида ишлаб чиқариш омилларининг роли.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. Ялпи ижтимоий маҳсулот. Такрорий хисоб. Оралиқ маҳсулот, пировард маҳсулот, кўшилган маҳсулот, соф маҳсулот. Зарурий ва кўшимчамаҳсулот. Кўшимча маҳсулот нормаси ва массаси. Кўшимча маҳсулотнинг зарурлиги ва аҳамияти. Ишлабчиришфункцияси. Умумий, ўртacha ва сўнгги кўшилган маҳсулот, уларни хисоблаш тартиби. Сўнгги кўшилган омил унумдорлиги. Унумдорликнинг пасайib бориши қонуни.

Ишлаб чиқариш имкониятлари тушунчаси. Тўла бандлик. Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги. Муқобил харажатлар. ФТТ ва ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасининг кенгайиши. Ишлаб чиқаришни оптималлаштириш.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги. Иқтисодий ресурсларни тежаш қонуни. Мехнат унумдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар. Самарадорликни белгиловчикўрсаткичлар тизими. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари. ФТТнинг эволюцион ва революцион шакллари. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов маърузаларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши ва унинг сабаблари.

## **Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулқчилик муносабатлари**

Ижтимоий-иқтисодиёт тараққиёт боскичларини билишга турли хил ёндашувлар: тарихий-формацион, маданийлашиш (цивилизация) даражаси, техника ва технологик даражаси, иқтисодий тизимлар ўзгаришижихатидан ёндашув. Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари. Ишлаб чиқариш муносабатлари. Ишлаб чиқариш усули. Ижтимоий-иқтисодий формация. Цивилизациянинг тарихий ривожланиш типлари. Цивилизацияларнинг алмашуви назарияси. Ишлаб чиқаришнинг технологик усули. Оддий кооперация, мануфактура вайирик машиналашган ишлаб чиқариш. Индустрлашишгача бўлган жамият, индустрлашган жамият, юқори индустрлашган (ахборотлашган) жамият.

Иқтисодий тизим тушунчаси. Иқтисодий тизим моделлари: анъанавий иқтисодиёт, маъмурӣ-буйруқбозлик иқтисодиёти, бозор иқтисодиёти. Бозор иқтисодиётининг босқичлари: эркин рақобатга асосланган ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни: эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаруф қилиш. Мулк обьекти ва субъекти. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари.

Мулк шаклларининг таснифланиши. Давлат мулки, жамоа мулки, шахсий мулк, хусусий мулк ва аралаш мулк.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишда мулкчиликнинг ўрни. Мулкчилик шаклларини ўзгартириш усуллари: миллийлаштириш, давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Давлат мулкини хусусийлаштиришининг усуллари. Ўзбекистон Республикасида мулкчиликни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш босқичлари.

### **Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилишининг асосидир**

Ижтимоий ҳўжалик шакллари. Натурал ва товар ишлаб чиқаришнинг белгилари ва фарқлари. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиши сабаблари.

Товар ва унинг хусусиятлари. Товарнинг нафлилиги ва айирбошланиш ёкилияти (қиймати). Товар қийматининг миқдори. Индивидуал ва ижтимоий зарурӣ нафлилил. Индивидуал ва ижтимоий-зарурӣ меҳнат сарфлари. Ижтимоий-зарурӣ иш вақти. Меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи: аниқ меҳнат ва абстракт меҳнат. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивигининг товар қиймати миқдорига таъсири.

Қийматнинг меҳнат назарияси. Қиймат қонуни. Товар қиймати ва нархининг ўзаро фарқланиш шарт-шароитлари. Кейинги кӯшилган миқдор нафлилиги назарияси. Умумий ва аниқ нафлилил. Нафлиликнинг пасайиб бориши. Қийматнинг меҳнат назарияси ва кейинги кӯшилган миқдор нафлилиги назариясининг ўзаро алоқаси ҳамда бир-бирини тўлдириши. Қиймат парадокси.

Пулнинг келиб чиқиши ва мазмуни. Пулнинг рационалистик ва эволюцион концепциялари. Қиймат шакллари. Пул тўғрисидаги металлистик, номиналистик ва миқдорий назариялар. Пулнинг асосий вазифалари: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси, тўлов воситаси. Нархлар ўлчови (масштаби). Ҳозирги замон пулнинг табиати ва мазмуни. Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғликлиги. Накд ва кредит пулларнинг хусусиятлари.

Ўзбекистонда миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилиши босқичлари ва уларнинг аҳамияти. Миллий валюта барқарорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш борасидаги дастурлар.

## **Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши**

Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг ривожланиши. Бозор иқтисодиётининг субъектлари: уй хўжаликлари, тадбиркорлик сектори, давлат сектори ва банк. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари. Бозор тизимининг ўз-ўзини тартибга солувчи механизми. Классик ва хозирги замон бозор иқтисодиёти, уларнинг умумий томонлари ва фарқлари. Замонавий бозор хўжалиги моделлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида доимий муаммоларни ҳал қилиш ва ресурслардан самарафи фойдаланиш йўллари.

Бозор иқтисодиётининг афзалликлари. Ресурсларни таксимлашнинг самарадорлиги. Иқтисодий фаолият ва танлов эркинлиги. Иқтисодий субъектлар ҳаракатининг таъминланиши. Бозор иқтисодиётининг бошқа ижобий жиҳатлари. Бозор иқтисодиётининг асосий зиддиятлари ва салбий жиҳатлари.

“Бозор” ва “бозор иқтисодиёти” тушунчаларининг ўзаро фарқланиши. Бозорнинг мазмуни ва асосий белгилари. Бозор механизми. Бозорнинг объектлари ва субъектлари. Бозорнинг вазифалари. Бозорнинг туркумланиши. Ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланиши.

Бозор инфратузилмаси. Бозор инфратузилмаси муассасаларини гурухлаш йўналишлари. Бозор инфратузилмаси таркиби.

## **Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иқтисодиётига ўтиш –барча мамлакатларга хос умумий жараён. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг революцион ва эволюцион шакллари. Маъмурий-буйруқбозлилка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг хусусиятлари. Ўтиш даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.

Ўтиш даври иқтисодиётининг асосий белгилари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари. Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг бевосита раҳбарлигига ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели, унинг тамойиллари ва хусусиятлари. Ўзбек моделида хозирги даврдаги жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий таъсиirlаридан химоя воситасининг мужассамлашганлиги. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичлари.

Иқтисодий ислохотларнинг мазмуни. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари. Иқтисодий ислохотларнинг босқичлари ва уларнинг вазифалари. Ўзбекистонда ислохотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистонда миллий тараққиёт босқичлари. Дастрлабки босқиччининг мазмуни ва вазифалари. Уларни амалга ошириш орқали эришилган натижалар. Иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация килиш даврининг вазифалари.

Мамлакатни модернизациялаш жараённинг мазмуни ва аҳамияти. Модернизациялаш жараённинг тамойиллари, асосий белги ва таркибий қисмлари. Ўзбекистонда модернизациялаш жараёнларининг асосий йўналишлари. 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожланишининг устувор йўналишлари.

### **Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати**

Талаб тушунчаси. Индивидуал талаб ва бозор талаби. Талаб конуни. Гифfen самараси. Талаб эгри чизиги. Талаб миқдорига таъсир қилувчи омиллар: истеъмолчи диди, бозордаги истеъмолчилар сони, уларнинг пул даромади, ўрнини босувчи товарлар нархи, келаҗакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эктимоли. Олий ва паст тоифали товарлар. Энгель конуни. Энгель эгри чизиги.

Таклиф тушунчаси. Таклиф конуни. Таклиф эгри чизиги. Таклиф миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар: ресурслар нархи, ишлаб чиқариш технологияси, солиқлар ва субсидиялар, бошқа товарлар нархи, нарх ўзгаришининг кутилиши, ишлаб чиқарувчилар сони. Иктиносидий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари.

Талаб ва таклиф миқдорларининг мос келиши. Қисқа ва узок даврларда талабнинг ўзгариши. Бозор мувозанати. Хусусий ва умумий мувозанатлик. Талаб ва таклиф эгилувчанлиги ва уларни белгилаб берувчи омиллар.

Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати назарияси. Истеъмолчининг афзал кўриши. Нафлийлик функцияси. Сўнгги кўшилган нафлийлик. Нафлийликни максималлаштириш қоидаси. Истеъмолчининг мувозанатли ҳолати. Бефарқлик эгри чизиги. Бефарқлик картаси. Истеъмолчи бюджетининг чекланганлиги. Бюджет чизиги. Нарх ва даромадлар ўзгаришининг истеъмолчи танловига таъсири.

### **Рақобат ва монополия**

Рақобатнинг моҳияти ва объектив асослари. Рақобат мазмунига турли томондан ёндашув. Рақобатнинг вазифалари. Рақобатнинг турлари: тармок ичидағи ва тармоклараро рақобат. Рақобат шакллари: соғ рақобат, монополистик рақобат, олигополия ва соғ монополия. Рақобатлашиш усуслари: нарх воситасидаги ва нархсиз рақобат, фирром ва ҳалол рақобат. Демпинг нархларни кўллаш. Рақобат курашининг замонавий шакллари: маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулотни янгилаш, хизмат сифати, реклама, сервис, маркетинг ва ҳ.к.

Монополиянинг моҳияти ва унинг вужудга келиши сабаблари. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви. Монополияларнинг турлари: соғмонополия, олигополия, монопсония. Табиий монополиялар. Легальва сунъий монополиялар. Лернер коэффициенти. Монополистик бирлашмалар шакллари. Монополияларнинг афзаликкандириши ва ижтимоий-иктисодий оқибатлари. Шумпетер гипотезаси. Давлатнинг монополияга қарши тадбирлари. Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши сиёсат борасидаги тажрибалар. Монополияга қарши қонунчилик.

Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш борасидаги чоратадбирлар. Мамлакатимизда рақобат муҳитини кучайтиришнинг зарурлиги ва йўналишлари. Монополияга қарши қонунчиликнинг шаклланиши. Монополистик корхоналарни тартибга солиш усувлари. Монополияга қарши сиёсатнинг натижалари. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

### **Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари**

Нархнинг мазмуни ва унинг объектив асослари. Нарх тўғрисидаги турли назариялар. Товардаги икки хил хусусиятларнинг нархлардаги ифодаси. Нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг вазифалари.

Нарх турлари: улгуржи ва чакана нархлар. Нуфузли, демпинг ва дотацияланган нархлар. Шартномавий, эркин ва тартибга солинувчи нархлар. Худудий, миллий ва жаҳон бозори нархлари. Нархдиапазони. Нарх паритети.

Нарх ташкил топишининг бозор механизми. Мукаммал рақобат шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари. Сотувчи ва ҳаридор нархлари. Монополия шароитида нархнинг шаклланиши. Оммавий таклиф бўйича нарх ўзгариши. Монопсония шароитида нархнинг шаклланиши. Оммавий талаб бўйича нархнинг ўзгариши. Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши. “Эргашиш” ва “инкор этиш” ҳолатлари. Нарх бўйича етакчилик.

Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиш хусусиятлари. Нархларни эркинлаштириш йўллари ва босқичлари.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози муносабати билан Ўзбекистонда энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш механизмининг ишлаб чиқилганлиги.

### **Тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши**

Тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни. Тадбиркорлик фаолияти назариясининг ривожланиш босқичлари. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва ривожланиш шарт-шароитлари.

Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари: давлат, жамоа, хусусий, аралаш ва бошка шакллари. Кооператив, хусусий ва якка тартибдаги тадбиркорлик.

Корхона тадбиркорлик фаолиятининг асосий ва бошлангич бўгини. Корхоналар фаолиятининг ташкил қилиниши. Акциядорлик жамияти ва акциядорлик капитали. Акция ва унинг турлари. Акция курси. Дивиденд ва таъсисчилар фойдаси. Назорат пакети. Облигациялар. Маркетинг, унинг максади, вазифалари ва тамоийллари. Менежмент - корхоналарни бошқариш тизими сифатида. Менежментнинг асосий мақсади ва вазифалари.

Ўзбекистонда кичик ва оиласибий бизнес, ҳамда хусусий тадбиркорликнинг янада эркинлаштирилиши, рағбатлантирилиши ва давлат томонидан кўллаб-кувватланиши.

Тадбиркорлик капиталининг моҳияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракатидаги икки томонлама хусусиятнинг намёён бўлиши. Тадбиркорлик капиталининг функционал шакллари: пул, унумли капитал ва товар. Капиталнинг ҳаракат босқичлари. Тадбиркорлик капитали турли шаклларининг доиравий айланиши.

Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал, уларнинг фарқли белгилари. Капиталнинг айланиш вақти ва тезлиги. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш: жисмоний, маънавий ва иқтисодий эскириши ва қайта тикланиши. Амортизация ва унинг нормаси. Жадаллашган амортизация. Асосий ва айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари. Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Тадбиркорлик капиталини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва қарорларининг ҳаётга тадбиқ этилиши. Инвестициявий жозибадорликнинг кучайтирилиши.

### **Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси**

Ишлаб чиқариш харажатларини тадқиқ этишдаги ёндашувлар. Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари. Ишлаб чиқариш харажатларининг мазмуни, таркиби ва турлари. Бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари. Ички ва ташки харажатлар. Доимий ва ўзгарувчи харажатлар. Ўргача ва умумий харажатлар. Сўнгти қўшилган харажатлар тушунчаси. Харажатларни минималлаштириш коидаси.

Қисқа ва узок муддатли даврда ишлаб чиқариш харажатлари. Натижалар ўзгаришига унумдорлик пасайиб бориши қонунининг таъсири. Ишлаб чиқариш миқёсининг ижобий самараси. Таннарх.

Корхона (фирма) нинг пул тушумлари ва фойдаси. Харажатлар ва даромадлар эгри чизиги. Зарар кўрмаслик нуктаси. Умумий фойда. Фойда микдорига таъсир кўрсатувчи омиллар. Махсулот қиймати таркиби. Ялпи фойданинг тақсимланиши. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фаркланиши. Меъёрдаги фойда. Соф фойда. Фойда нормаси ва массаси ҳамда уларни ҳисоблаш. Фойда нормасига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Корхоналарнинг банкрот бўлиши (синиши) ва санация қилиниши. Корхоналар фойдасини максималлаштириш шарти ва уни кўпайтириш йўллари.

Фойда миқдорини кўпайтиришда моддий ресурсларни тежашнинг аҳамияти. Иктисодиётни ривожлантиришнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устивор йўналишларда белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

### **Иш ҳаки ва меҳнат муносабатлари**

Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамоилилари. “Ишлаб чиқаришнинг уч омили”, кўшилган омил унумдорлиги ва бошқа назариялар. Мазкур назарияларнинг камчиликлари. Яратилган маҳсулотни тақсимлашнинг асосий йўналишлари.

Иш ҳаки тўғрисида турлича назариялар. Иш ҳақининг иктисодий мазмуни. Номинал ва реал иш ҳаки. Реал иш ҳақининг даражаси ва ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар. Иш ҳақининг табақаланиши. Иш ҳақини ташкил килиш шакллари ва тизимлари. Тариф тизими. Минимал иш ҳаки.

Меҳнат муносабатлари. Меҳнат шартномалари. Касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва давлат билан ўзаро муносабатлари. Касаба уюшмаларининг иш ҳаки даражасини ошириш йўллари. Ишчи кучи талаби ва таклифини ўзгариши. Касб бўйича малака даражасини лицензиялаш. Жамоа шартномалари ва ижтимоий сугурта тизими. Очиқ ва ёпиқ турдаги касаба уюшмаларининг иш ҳаки даражасига таъсири. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг роли.

Давлатнинг иш ҳаки сиёсати. Республикада меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳакини кўпайтириш ва ахоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда кўлга киритилган натижалар. “Соғлом бола” йили давлат дастуридан келиб чиқадиган асосий вазифалар.

### **Аграр муносабатлар ва агробизнес**

Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидағи хусусиятлари. Ернинг ресурс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари. Ернинг табиий ва иктисодий унумдорлиги. Қишлоқ хўжалигига тақрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ер мулкчилик ва хўжалик юритиш обьекти. Ерга эгалик ва ердан фойдаланиш хукуки.

Ер рентаси мазмунига бўлган турли хил ёндашувлар ва ер рентасининг тарихий шакилари. Ер рентасининг мазмуни ва турлари: дифференциал рента, абсолют рента, монопол рента, ундирма саноат ва курилиш участкаларидан олинадиган рента. Ижара ҳаки. Ернинг нархи ва уни белгиловчи омиллар.

Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажуаси ва унинг соҳалари. Агробизнес ва унинг турлари. Деҳкон, фермер ва ширкат хўжаликлари. Агрофирма, агросаноат бирлашмаси, агросаноат комбинати.

Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари. Ерга мулкчилик муносабатлари. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари. Шахсий томорқаларнинг кенгайтирилиши. Қишлоқ

хўжалик ишлаб чиқариши таркибий тузилишини такомиллаштириш. Хўжалик юритишинг самарали шакларини ривожлантириш. Фермер хўжаликлари ер майдонлари ҳажмини оптималлаштириш. Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

### **Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиктисодий ўлчамлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва миллий иқтисодиётнинг шаклланиши. Миллий иқтисодиётнинг мазмуни ва унинг тузилиши. Макроиктисодиёт. Макроиктисодий таҳлил ва унинг вазифалари. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш. Миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари. Ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот. Номинал ва реал ялпи ички маҳсулот. Нарх индекси. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибий тузилиши. Соф миллий маҳсулот, миллий даромад ва шахсий даромад. Хуфёна иқтисодиёт, унинг ўлчамлари ва намоён бўлиш шакллари. Миллий маҳсулот (ЯИМ) ни кўпайтириш омиллари ва йўллари.

Миллий ҳисоблар тизими. ЯИМни ҳисоблашга кўшилган кийматлар бўйича ёндашув. ЯИМни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашув. Уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари. Инвестицион сарфлар. Давлат сарфлари. Чет эзликларнинг сарфлари. ЯИМни ҳисоблашга даромадлар бўйича ёндашув.

Ўзбекистон иқтисодиёти етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш миллий маҳсулотни кўпайтиришнинг устивор йўналиши сифатида.

### **Ялпи талаб ва ялпи таклиф**

Ялпи талаб тушунчаси ва унинг таркиби. Ялпи талаб эгри чизиги. Ялпи талаб миқдорига таъсир этувчи омиллар: истеъмол сарфларидағи ўзгаришлар, инвестицион сарфлар, давлат сарфлари, соф экспортдаги ўзгаришлар.

Ялпи таклиф тушунчаси ва унинг таркиби. Ялпи таклиф эгри чизиги. Ялпи таклиф эгри чизигидаги ётиқ, оралиқ ва тик кесмалар. Ялпи таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар: ресурслар нархининг ўзгариши, самарадорликнинг ўзгариши, хукуқий меъёрларнинг ўзгариши.

